

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2023-yilda qayta tiklanuvchi energiya manbalarini va energiya tejoyvchi texnologiyalarni joriy etishni jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 16.02.2023 PQ-57-son qarori. <https://lex.uz/docs/-6385716>

3. https://api.mf.uz/media/document_files/yillik_hisobot.pdf

4. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/9449/>

5. Artur Pigu Industrial Fluctuations, Macmillan Press Ltd.; 2nd Edition (January 1, 1929)

6. Авджи Алина Алимовна Зелёный энергопереход Узбекистана // Международный научный журнал «Слово в науке». 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zelyonyu-energoperehod-uzbekistana> (дата обращения: 28.12.2023).

7. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/31_Rakhmanov.pdf

8. <https://www.iea.org/reports/world-energy-outlook>

9. <https://president.uz/uz/lists/view/6846>

10. Zokirov Sh. Возобновляемая энергия для устойчивого развития. // журнал Экономическое обозрение. 2020, №12(240). – С44-51.

11. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/22/subsidy/>

12. <https://kun.uz/uz/news>

13. <https://stat.uz/uz/>

14. <https://president.uz/uz/lists/view/6952> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "yashil" energetika sohasidagi yirik qo'shma loyihalarni ishga tushirishga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi

15. Абдувохидов А. А. и др. САНОАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 40-45.

16. Абдувохидов А., Маткулиева С., Тошбоев Б. ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ //Economics and education. – 2023. – Т. 24. – №. 1. – С. 12-22.



МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ БАҲОЛАШДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Умирзоқов Жаъсур Артиқбой ўғли

Тошкент молия институти

доценти в.б, PhD

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a56](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a56)

Аннотация. Мақолада махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитини баҳолашда таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Махсус иқтисодий зоналар фаолияти ва инвестиция муҳитининг иқтисодиётга диффузион таъсир этиши шарҳланган. Махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, таснифланган. Махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция ва тадбиркорлик муҳитига доир ўтказилган сўровнома натижалари баҳоланган. Махсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: махсус иқтисодий зона, инвестиция муҳити, инвестиция муҳити жозибадорлиги, бизнес рейтинг, Жаҳон савдо ташкилоти, таъриф ва нотаиф механизмлар, "имктиёзлар пакети", солиқ имтиёзлари, "тартибга солувчи гильотина"

ВЛИЯЮЩИЕ ФАКТОРЫ НА ОЦЕНКУ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН

Умирзаков Жаъсур Артиқбой ўғли

Тошкентский финансовый институт

Аннотация. В статье рассматриваются факторы, влияющие на оценку инвестиционного климата особых экономических зон. Объясняется деятельность специальных экономических зон и диффузное влияние инвестиционной среды на экономику. Выявлены и классифицированы факторы, влияющие на инвестиционный климат особых экономических зон. Оценены результаты исследования инвестиционной и деловой среды в особой экономической зоне. Разработаны предложения и рекомендации в целях улучшения инвестиционного климата в особых экономических зонах.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инвестиционная среда, привлекательность инвестиционной среды, деловая активность, Всемирная торговая организация, определение и нотариальные механизмы, «пакет возможностей», налоговые льготы, «регуляторная гильотина».

AFFECTING FACTORS THE ASSESSMENT OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT OF SPECIAL ECONOMIC ZONES

Umirzokov Jasdur Artikboy ogli

Tashkent institute of finance

Annotation. The article examines the influencing factors the assessment of the investment climate of special economic zones. Special economic zone activities and the diffusion influence of the investment environment on the economy are explained. Affecting factors the investment climate of special economic zones have been identified and classified. The results of a survey on the investment and business environment in the special economic zone were evaluated. Proposals and recommendations have been developed in order to improve the investment environment in special economic zones.

Key words: special economic zone, investment environment, attractiveness of investment environment, business pitch, World Trade Organization, definition and notary mechanisms, "package of opportunities", tax incentives, "regulatory guillotine".

Кириш. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасига кўра, инвестициялар учун глобал рақобат шароитида мамлакат инвестицион салоҳиятини ошириш, инвестицион муҳити жозибadorлиги узлуксизлигини таъминлаш муҳим ҳамиятга эга. Мазкур йўналишда турли синалган ва инновацион воситалардан фойдаланиш орқали инвестицияларни жалб этиш тенденцияси ривожланиб бормоқда. Айниқса, савдо ва иқтисодий муносабатларга инвестицион фаолиятга ўзининг имтиёзли тартиботи, маъмурий тартибга солишнинг соддалаштирилганлиги ва бирмунча чекланганлигини билан бевосита таъсир этувчи махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолликни оширишда алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳонда махсус иқтисодий зоналарга инвестициялар оқимини фаоллаштириш, қўлланиладиган имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махсус иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда тариф ва нотариф механизмлардан фойдаланиш, инвестицион фаолликнинг ҳудудий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш орқали иқтисодиётга таъсирини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб боририлмоқда.

Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини яъшиллашда бир қанча омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион муҳитни шакллантириш баробарида инвесторларга

махсус иқтисодий зонадаги инвестицион имкониятлар, мулкӣ ва номулкӣ муносабатларнинг қонуний тартибга солиниш даражаси ва кафолатлари, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг қонун йўли билан ҳимоя қилиниши, киритилган инвестициялар қайтимининг инвестор учун манфаатли эканлиги ҳақида батафсил маълумот беради. Таъсир этувчи омилларни баҳолаш орқали махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция муҳитни яхшилаш ва натижада инвестицион фаолликни яхшилаш ҳамда янада фаоллаштириш бўйича зарурий чора-тадбирларни белгилаш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Махсус иқтисодий зоналарнинг ривожланиш ҳолатини даврларга ажратган ҳолда уларнинг мазмун-моҳиятини, инвестицион жараёнлардаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этган халқаро молия институтлари вакилларида Жаҳон банки эксперти Douglas Z. Zeng томонидан махсус иқтисодий зоналарнинг ривожланиш фаолияти ва улардаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига яратилган қулай инвестиция муҳити таъсир этишини алоҳида таъкидлаган. Унинг фикрича, махсус иқтисодий зоналаргадани инвестиция муҳитини баҳолашда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни эътиборга олиш керак. Ушбу кўрсаткичлар ҳудудий даражада ташкил этилган махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция муҳитига бевосита таъсир этиши боис, инвесторлар томонидан қарор қабул қилишда иноуюатга олинади [1].

Кўпгина иқтисодчи олимлар махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитига давлатларнинг халқаро рейтинглардаги ўрни сезиларли таъсир қилишини таъкидлайди. Жумладан, A.Bárcena, L.López, M.Dirven, S. Malchik фикрича "Foreign Investment in Latin

America and the Caribbean” номли илмий-таҳлилий кўлланмада Лотин Америкаси давлатларининг халқаро рейтинглардаги ўрни таҳлил этилган, уларнинг рейтинглардаги поғонаси минтақада жойлашган эркин иқтисодий зоналардаги хорижий инвестициялар оқими-га кўрсатган таъсири баҳоланган. Қолаверса, мазкур минтақа ҳудудида ташкил топган оффшор зоналардаги ноқонуний даромадаларнинг кескин ошиши Лотин Америкаси давлатларидаги (Аргентина, Бразилия, Мексика) махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатган [2].


Россиялик иқтисодчи олимлардан В. И. Баронов ва Г.М. Костюнина томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида махсус иқтисодий зоналарнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг концептуал асослари тадқиқ этилган. Унга кўра, махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиб, қуйидаги омиллар уларнинг ривожланиши ва инвестиция муҳитига бевосита таъсир этади: жойлашув жойи, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, фискал, молиявий ва маъмурий “имтиёзлар пакети”, маъмурий тартиб-таомилларнинг шаффофлиги (шу жумладан, “ягона дарча” тамойили билан иш олиб бориш тизими) [3].

Махсус иқтисодий зоналарга хорижий инвестициялар жалб этишни ўрганган республикамиз олимларидан профессор Ж.Каримқуловнинг илмий ишларида ушбу саноат зоналарининг инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган. Ушбу саноат ҳудудларининг инвестиция муҳити яхшилаш-

да уларда бериладиган молиявий имтиёзларни “вақт омили”дан Ҳиндистон тажрибасидан келиб чиқиб, “ҳудуд омили”га ўтказиш таклиф этилган [5].

Махсус иқтисодий зоналарнинг миллий иқтисодиётга ижобий диффузияси борасидаги фикрларни инвестицион муҳит жозибадорлигининг назарий ва методологик жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борган профессор Ш.Мустафақуловнинг ҳам илмий тадқиқотларида кўриш мумкин. Унинг фикрича, “эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. Эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг имижи ҳам. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали бўлади, жумладан хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникация яратади[6]”.

Махсус иқтисодий зоналар кириб келиши кутиалётган инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион шартларни таклиф этиши баробарида ҳудуд ва мамлакат инвестицион жозибадорлигига таъсир этади. Махсус иқтисодий зоналардаги инвестицияон фаолликнинг ошиши миллий иқтисодиёт тармовларининг модернизация ва диверсификация бўлишида, ички бозорга интеграция қилишинига муҳим аҳамиятга эга бўлади.



1-расм. Махсус иқтисодий зоналар фаолияти ва инвестиция муҳитининг иқтисодиётга диффузион таъсир этиши

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган.

Тадқиқот методикаси. Мазкур илмий мақола умумий ва махсус тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқ қилинган. Хусусан, илмий мақолани тайёрлаш жараёнида анализ-син-

тез, индукция ва дедукция, илмий таққослаш, статистик таҳлил, шунингдек эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни икки йирик гуруҳга:

- ташқи таъсир этувчи омиллар;
- ички таъсир этувчи омилларга ажратиш мумкин.

Махсус иқтисодий зона мамлакат ҳудуди ёки унга нисбатан эксклав тарздаги жойлашиб, анклав махсус иқтисодий зона бўлишига қарамасдан бевосита мазкур мамлакат ва унга чегарадош бўлган давлатлар, халқаро интеграциялар ва жаҳон иқтисодиёти субъектларининг ҳолати бевосита ташқи таъсирлар хусусиятига эга бўлиб, махсус иқтисодий

зонани ташкил этган давлат томонидан ташқи таъсирларни бартараф этиш эҳтимоли кичик бўлган омилларни ташқи омиллар туркумига, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат, ривожланиш тенденциялари ва бошқа ҳолатлар натижасида юзага келиб, бевосита махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигига таъсир этувчи ички омиллар ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни юқорида келтирилган расмга кўра таснифлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган.

Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларнинг энг муҳимлари сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин:


- халқаро иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳамкорлик ташкилотларига аъзолик;
- халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтинглар ва индекслар;
- жаҳонда юз бераётган иқтисодий ҳолат (иқтисодий-молиявий инқирозлар, инфляция жараёнлари, пул-кредит соҳасидаги ўзгаришлар).

Ташқи омиллар ҳақида сўз борганда, махсус иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этишда мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни муҳим ўринга эга. Республикамизда халқаро майдонда етакчи ва нуфузли ташкилотлар, молия институтлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ҳар йили эълон қилиниб бориладиган соҳалар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда тобора юқори поғоналарга кўтарилиш орқали мамлакатга хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустақкамлаш, инвестициявий жозибадорликни янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон Қарори, 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2020

йилда эълон қилинган “Doing Business 2020 (Comparing Business Regulation in 190 Economies 2020)” тўпламида 190 давлатнинг иқтисодий ривожланиш ёки унинг аксинча ҳолати таҳлил этилган. Мазкур таҳлилий тўпланда қайд этилишича, иқтисодиёт тармоқлари учун хорижий инвестициялар оқимида мазкур халқаро ташкилот томонидан тузиладиган ва жаҳон миқёсида кенг эълон қилинадиган “Doing Business 2020” халқаро рейтинглари ривожланаётган давлатларга инвестицияларни киритишда хорижий инвесторларнинг асосий қарор қабул қилиш мезонларидан бири ҳисобланади [8]. “Бизнесни юритиш” рейтингининг 2018 йил натижалари юзасидан нашр этилган тўпламнинг “Special economic zones (эркин иқтисодий зоналар)” бўлимида дунё миқёсида ушбу зоналарга инвестицияларни киритишда халқаро индекслар ва рейтинглар натижаларининг таъсири хорижий давлатлар ва йирик минтақаларда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар мисолида таҳлил этилган [9].

Халқаро рейтингларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолашда илмий изланишлар олиб борган Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Н.Жумаевнинг фикрича, аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинг, инвестициявий жозибадорлик рейтинг ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэътироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади [7].



3-расм. Ўзбекистоннинг “Иқтисодий эркинлик индекси – 2022” халқаро рейтингдаги ўрни [14]

Ўзбекистонда фаолият олиб боровчи “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази Швейцариянинг “Pease Nexus” фонди ёрдамида “Кўшма Ҳаракатлар Тадқиқоти” (Participatory Action Research-PAR) лойиҳаси методологиясига асосланган ҳолда 100 дан ортиқ интервьюлар, сўровномалар ўтказди. Мазкур сўровномаларда иштирок этган мамлакатимизда фаолият олиб боровчи махсус иқтисодий зоналардаги хорижий инвесторларнинг каттагина қисми Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва рейтинглардаги ўрнини доимий кузатиб бориши, улар томонидан қабул қилинадиган инвестиция қарорларида бу аҳамиятли эканлигини қайд этишган [10].

Бу борада, АҚШлари фаолият олиб боровчи Heritage Foundation ташкилоти томонидан эълон қилинган “Иқтисодий эркинлик индекси – 2022” ҳисоботида республикамиз дунё рейтингда 117-ўринни эгаллаб, “иқти-

содиёти эркин бўлмаган давлатлар” гуруҳида қолди.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистон мазкур рейтингда умумий жиҳатдан қараганда 35 та ўринга юқорилади, бироқ 2022-йил ҳисоботига кўра, 9 та поғонага пастлаган. Мазкур ҳисобот методологияси, шу жумладан, бир қатор индикаторларнинг ўзгариши ва индикаторларнинг балларни аниқлашда уларни ҳисоблаш ҳамда халқаро маълумотлар манбаларнинг ўзгариши асосий омиллардан бири ҳисобланади (1-жадвал).

Ҳисоботда таъкидланишича, Ўзбекистонда тўртта имтиёзли савдо шартномаси амал қилади. Оддий ўртacha тариф ставкаси 4,7 фоизни ташкил этади ва нотариф тўсиқлар кўплиги савдо ва инвестициялар ҳажмига янада тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо эмаслиги ҳам бу борадаги салбий ҳолатларни кўпайтиради.

1-жадвал

“Иқтисодий эркинлик индекси – 2022” рейтинг параметрларида Ўзбекистон позицияларининг ўзгариши [12]

Қонун устуворлиги даражаси			Бозорнинг очиқлик даражаси		
Мулкчилик ҳуқуқи	31,6	-26,2	Савдо эркинлиги	75,6	+20,2
Судлар фаолияти самарадорли	13,1	-37,7	Инвестициялар эркинлиги	50,0	+30,0
Ҳукумат яхлитлиги	23,8	-6,7	Молиявий эркинлик	40,0	+20,0
Тартибга солиш самарадорлиги даражаси			Давлатнинг иқтисодиётга ралашуви даражаси		
Бизнес эркинлиги	59,1	-14,4	Солиқ юки	90,8	-1,6
Меҳнат бозори эркинлиги	48,0	-13,2	Давлат харажатлари	78,1	-1,8
Монетар эркинлик	61,6	+1,3	Фискал саломатлик	96,6	-1,7


Умумий инвестиция режимини такомиллаштириш, шу жумладан давлат корхоналарини хусусийлаштиришга рухсат беришга доир амалий чора-тадбирлар қабул қилинганлиги бу борада муҳим ўринга эга. Эътиборлиси, мамлакатда молия сектори модернизация қилинсада, тижорат банклари устав капиталида давлатнинг улуши юқорилигича қолмоқда.

Индекс методологиясига киритилган ўзгартиришлар натижасида барча МДҲ давлатлари рейтингда баллар қийматининг пасайиши қайд этилган ва фақат икки давлат (Молдова ва Туркменистон) ўз позицияларини яхшилаган.

Мазкур рейтингда МДҲ давлатлари орасида юқори ўринларни эгаллаб келаётган Арманистон, Қозоғистон, Озарбойжон давлат-

ларининг махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш борасидаги тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари кейинги бобда батафсил кўриб чиқилади.


Шунингдек, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция фаоллигига таъсир этувчи ички омиллардан келиб чиққан ҳолда, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан ҳамкорликда Республиканинг барча ҳудудларидаги резидентлар (махсус иқтисодий зона иштирокчилари, ёш табиркорлик субъектлари, инвесторлар ва бошқ.) ўртасида тадбиркорлик фаолияти ва муҳити ҳамда ушбу соҳадаги долзарб муаммолар юзасидан социологик тадқиқот ўтказилди.



4-расм. МДХ давлатларининг “Иқтисодий эркинлик индекси - 2022” халқаро рейтингдаги ўрни ўзгариши [11]

Тадқиқот натижалари ва асосий хулосалари киритилган. Сўровда қатнашган махсус иқтисодий зоналарда фаолият олиб борувчи ёш тадбиркорлик субъектларининг фикрига кўра, муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда билим (20,4%), омад (19,4%), маблағ (капитал) (17,2%) ва ҳаракат (16,5%) муҳим ўрин тутиши аниқланди.

Шу билан бирга, иқтисодий эркинлик (7,8%), давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (6,9%) сингари расмий ижтимоий омилларни ккинчи тоифага, ота-она, қариндошларнинг қўллаб-қувватлаши (5,5%), таниш-билишчилик (3,2) ва туғма қобилият (3,2%) сингари жиҳатларни эса учинчи тоифага киритиш мумкин.



5-расм. Махсус иқтисодий зоналарда самарали тадбиркорлик фаолиятининг гарови [15]

Шу билан бирга, инновация (янгиликни фаолиятга жорий қилиш) (69,6%), имтиёзли кредитга эга бўлиш (64,5%), дастлабки маблағ (капитал)нинг бўлиши (65,4%), миллий валютанинг барқарорлиги (62,1%) сингари омиллар 60-70%ни ташкил этди. Эътиборлиси, ёш тадбиркорлар – ҳокимият, назорат ва солиқ органларида қариндош, дўст ёки танишларнинг бўлиши тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда муҳим эмас деган жавобни респондентларнинг 1/3 қисми белгилган. Ёш тадбиркорлар учун протекционизм ҳолати-

нинг паст бўлишини уларнинг ёши ва янги авлод алмашинуви билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, “Махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция ва тадбиркорлик муҳитига қайси омиллар таъсир этади?” мавзусидаги сўров натижаларига кўра, махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция ва тадбиркорлик муҳити, тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлар қатлами шаклланишида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий омиллар муҳим ўрин туттади.

“Махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция ва тадбиркорлик муҳитига қайси омиллар таъсир этади?” мавзусида ўтказилган тадқиқот сўровлари натижалари [15]

№	Сўровномада таклиф этилган омиллар	Муҳимлилик даражаси	
		муҳим (%)	муҳим эмас (%)
1.	Мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик	90	9,9
2.	Миллий валютанинг барқарорлиги	62,1	37,7
3.	Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги	72,3	27,6
4.	Ҳокимият, назорат ва солиқ органларида қариндош, дўст ёки танишларнинг фаолияти	35,7	64,2
5.	Дастлабки маблағ (сармоя)нинг бўлиши	65,4	34,5
6.	Иқтисодий эркинлик	75,2	24,7
7.	Инновация (янгиликни фаолиятга жорий қилиш)	69,6	30,3
8.	Имтиёзли кредитга эга бўлиш	64,5	35,4
9.	Замонавий технологиялар	73,6	26,3

“Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қайси омиллар муҳим кўрсатади?” деган саволга берилган жавобларнинг таҳлили мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик (90%), иқтисодий эркинлик (75,2%), замонавий технология (73,6%),

Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун ва мавжуд меъёрий ҳужжатлар (72,3%) сингари омиллар муҳим эканлигини кўришимиз мумкин.

“Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар” сўрови натижалари [15]

№	Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар	тўсқинлик қилади (%)	тўсқинлик қилмайди (%)
1.	Мамлакатда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда сусткашликлар	70,3	29,6
2.	Зарур қонун ва ҳуқуқий кафолатларнинг ҳаётга тадбиқ этилмаганлиги	65,8	34,1
3.	Бюрократизм, қоғозбозлик	63,4	36,5
4.	Маҳаллий раҳбарларнинг қаршилиги	64,7	35,2
5.	Солиқларнинг юқорилиги	66,8	33,1
6.	Коррупция, таниш-билишлик	71,6	28,3
7.	Аҳолининг тадбиркорларга бўлган салбий муносабати	53,4	46,5
8.	Ижтимоий адолат тамойилининг бузилиши	64,1	35,9
9.	Дастлабки маблағнинг йўқлиги	57,2	42,7
10.	Бозор ва бизнес ҳақидаги маълумотларнинг камлиги	60,9	39
11.	Миллий валютанинг эркин алмаштиришнинг чегараланганлиги	55,4	44,5
12.	Инфляциянинг юқорилиги	60	40
13.	Тадбиркорлик фаолиятига ортиқча ва кераксиз аралашишлар	66,3	33,3
14.	Тадбиркорлик кўчмас мулки объектларини бузиш ҳолатлари	67,2	32,7

Респондентлар тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ичида коррупция, порахўрлик, таниш-билишлик (71,6%), мамлакатда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда сусткашликлар (70,3%), тадбиркорлик кўчмас мулки объектларини бузиш ҳолатлари (67,2%), зарур қонун ва ҳуқуқий кафолатларнинг ҳаётга тадбиқ этилмаганлиги (65,8%), тадбиркорлик фаолиятига ортиқча ва кераксиз аралашишлар (66,3%),

маҳаллий раҳбарларнинг қаршилиги (64,7%), ижтимоий адолат тамойилининг бузилиши (64,1%)ни энг кўп қайд этишди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, махсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолиги билан боғлиқ бўлган муносабатлар, шу жумладан солиқ ва божхона, валюта ва бошқа турдаги имтиёزلарни қўллашда “тартибга

солиш гильотинаси” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий ўсишдаги тўсиқларни бартараф этиш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида амалиётга жорий этилган “тартибга солиш гильотинаси” принципи 1980 йилда Швецияда ишлаб чиқилган. Ушбу усулининг асосий ғояси эса қисқа муддатларда амалдаги норматив-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш ва унинг натижасида қонунчиликка зид бўлган (бир бирига зид бўлган), иқтисодий самарасиз, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, амалга оширилиши ортиқча харажатлар талаб қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ҳисобланади.

“Тартибга солиш гильотинаси” усулини амалга ошириш мақсадлари:

- инвестицияларни жалб этиш борасидаги кўп сонли ва самарасиз тартиб-қоидаларни тезда бартараф этиш учун сиёсий ва маъмурий харажатларни имкон қадар камайтириш;
- инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун фаол инвестицион муҳитни таъминлаш;
- инвестицион муносабатларни тартибга солиш бўйича “хавфсиз” реестрни ўрнатиш орқали келгусида сифат назорати ва ҳуқуқни қўллаш учун барқарор инвестицион муҳитни

таъминлаш жараёни моделини ишлаб чиқиш; - институционал инфратузилмани яратиш, шу жумладан вазирликлараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш, ислохотлар механизмини кучайтириш ва тартибга солиш ислохотларини самарали амалга ошириш мақсадида тартибга солиш таҳлилини ўтказиш имкониятини таъминлаш.

“Тартибга солиш гильотинаси” қандай амалга оширилади? Ушбу усулнинг бугунги кундаги талқини Jacobs, Cardowa & Associates [16] томонидан Швеция ва Жанубий Корея давлатлари тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. “Тартибга солиш гильотинаси” усули қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Ҳукумат (ислохот қилиш вазифаси юкланган бошқа орган, ишчи гуруҳ) “тартибга солувчи гильотина” мақсадини белгилайди.
2. Масъул орган (ишчи гуруҳ) ҳукумат талабига биноан белгиланган муддатда “гильотина” мавзусига оид барча норматив ҳужжатлар рўйхатини тақдим этади. Шу билан бирга, ҳар бир норматив ҳужжатда ушбу актнинг зарурияти, қонунийлиги баҳоланадиган мантиқий асосланган бўлиши керак.



6-расм. Махсус иқтисодий зоналарга имтиёزلарни қўллаш борасида “тартибга солиш гильотинаси” усулидан фойдаланиш механизми

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган.

Махсус иқтисодий зоналар учун тақдим этилган солиқ, божхона, валюта ва бошқа турдаги молиявий ва номолиявий имтиёзлар, уларнинг самарадорлиги уч босқичда қуйидаги субъектлар томонидан ўрганилади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар томонидан;
- тайинланган мустақил экспертлар гуруҳи томонидан;
- инвесторлар ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан.

3. Мазкур ўрнатилган филтрдан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тартиб-қоидаларни бекор қилиш ёки соддалаштириш жараёни бошланади.

4. “Тартибга солиш гильотинаси” натижасида инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади, амалдаги ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшгимчалалар киритилган ҳолда расмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар реестрига киритилади [4].

Ҳозирги кунга қадар мазкур усул Вьетнам, Кения, Хорватия, Жанубий Корея ва бошқа бир неча давлатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, асосан, қонунийлик, бизнес учун фойдали ёки фойдали эмаслиги, долзарблик, харажатлар мезонлари бўйича амалга оширилган. Шунингдек, юқоридаги давлатларда “тартибга солиш гильотинаси” усулини тўлиқ

амалга ошириш икки ойдан икки йилгача муддат талаб қилиб, натижада эса ЯИМ хажми сезиларли даражада ошган ва қўшимча иш ўринлари сони кўпайган [17].

Бу борада, Жанубий Корея 1997 йилги Осиё молиявий инқирозидан кейин “тартибга солиш гильотинаси” усулидан фойдаланиш орқали 11 ой ичида инвестицион муҳитга бевосита таъсир этувчи 6000 та маъмурий тартиб-қоидалар, самарасиз имтиёзлар (солиқ ва божхона) бекор қилиши натижасида мазкур давлат иқтисодиётига 27 млрд. долл. миқдорида қўшимча хорижий инвестициялар жалб этилди. Шунингдек, “тартибга солиш гильотинаси” усули Жанубий Корея инвестицион

муҳитини яхшилаш орқали кўп йиллик иқтисодий ўсиш учун катализатор вазифасини бажармоқда[4]. Мазкур хорижий давлат илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “тартибга солиш гильотинаси” усулидан фойданиб, махсус иқтисодий зоналар, шу жумладан, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари иштирокчилари имтиёзли ҳолатига салбий таъсир этувчи иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун берилган самарасиз имтиёзларни (солиқ, божхона, бошқа маъмурий ҳуқуқ ва нисбий устунликлар) ўрганиб чиқиш ва бекор қилиш таклиф этилади. Ушбу ҳолатда махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун имтиёзлар сақлаб қолинади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Douglas Z. Zen. *The Past, Present, and Future of Special Economic Zones and Their Impact*. *Journal of International Economic Law*, 2021, 00, 1–17 doi:10.1093/jiel/jgab014 Original Article, 17 p.
2. Alicia Bárcena, Laura López, Martine Dirven, Susana Malchik. *Foreign Investment in Latin America and the Caribbean, 2008* https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/1139/1/S0900391_en.pdf
3. Баронов В.И., Костюнина Г.М. *Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с*
4. Александров О.В. “Регуляторные гильотины”: международный опыт устранения препятствий для бизнеса и инвестирования. *Торговая политика. Trade policy / 2019. № 1/17. ISSN 2499-9415. doi:10.17323/2499-9415-2019-1-17-107-119*
5. Каримқулов Ж. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент – 2019. 244 б
6. Мустафақулов Ш.И. *Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт*. Тошкент. “ИQTISOD-MOLIYA”, 2017, 326 б.
7. Жумаев Н.Х. *Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни нима учун керак?* <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-khalqaro-rejtinglardagi-orni-nima-uchun-kerak?>
8. worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf
9. <https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2018-Full-Report.pdf>
10. “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази тадқиқот натижалари асосида. www.strategy.uz
11. <https://telegra.ph/Iqtisodiy-erkinlik-indeksi--2022-hisobotida-mamlakatlarning-indeks-korsatkichlari-va-reytingdagi-pozitsiyalarining-ozgarganligi--02-14>
12. <https://www.heritage.org/index/country/uzbekistan#government-size>
13. <https://telegra.ph/Iqtisodiy-erkinlik-indeksi--2022-hisobotida-mamlakatlarning-indeks-korsatkichlari-va-reytingdagi-pozitsiyalarining-ozgarganligi--02-14>
14. <https://telegra.ph/Iqtisodiy-erkinlik-indeksi--2022-hisobotida-mamlakatlarning-indeks-korsatkichlari-va-reytingdagi-pozitsiyalarining-ozgarganligi--02-14>
15. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти маълумотлари.
16. <http://regulatoryreform.com/>
17. <https://huquqiyportal.uz/news/2019/10/29/adliya-vazirligi-tartibga-solish-gilotinasi-metodini-qullashni-rejalashtirmoqda/126>